Жахона Рахмоналиева

Мустақил тадқиқотчи

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада муаллиф томонидан айбга иқрорлик тўғрисида келишув институтининг ўзига хос жиҳатлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув ҳақидаги асосий қоидалар, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тартибида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган. Шунингдек, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг мақсади, асосий вазифалари борасида олимларнинг фикрлари ўрганилиб, муаллифнинг хулосалари берилган.

Калит сўзлар: айб, айбга иқрорлик, айбга иқрорлик бўйича келишув, далиллар, жиноятни очишга кўмаклашиш, жиноят процессидаги имтиёзлар, аҳволни енгиллаштирувчи ҳолатлар.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёни бошқа ҳуқуқ соҳаларга нисбатан долзарблигини йўқотмай келмоқда. Чунки, давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги функцияси жамият ва давлатнинг хавфсизлигига, аҳолининг тинчлигини таъминлаш ҳамда халқаро доирада давлатнинг обрўсини таъминлашга хизмат қилади. Шу муносабат билан жамиятда юз бераётган ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ҳамда илғор хориж тажрибаси асосида жиноят қонунчилигимизни ислоҳ қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланган бўлиб, иккинчи устувор йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишда ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш вазифаларининг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув институтининг бошқа ўхшаш жиноят-процессуал институтлари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилишда, ҳозирги кунда жаҳон амалиётида уларнинг умумий номи соддалаштиришган суд иш юритуви институти деб номланиб, уларга жуда кўплаб турфа хил институтлар киришини айтиш жоиз. Биз бу ерда асосан учта институт – **айбига иқрорлик келишуви, ярашув** ва **медиация** турларини кўриб чиқамиз.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўплаб миллий анъана ва урф-одатларимиз тикланди, инсонпарварликка асосланган қадриятларимиз ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбек халқининг эзгу қадриятларини ўзида ифода этган ана шундай институтлардан бири **ярашув институтидир.**

Жиноят процессида ярашув институти Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига 2001 йил 29 августда киритилган. Демак, жиноят процессида келишув ёки ярашув институтининг шаклланиш тарихи 2001 йилдан бошланган.

Жиноят кодексида назарда тутилган айрим моддалар бўйича жабрланувчи ва ҳуқуқбузар шахс ўртасида келишувга эришиш жиноят ишини тугатишга олиб келади. Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бир тури сифатида шахсни жиноий жавобгарликдан

озод қилиб жиноят ишини тугатиш учун асос бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқимизга хос бағрикенглик, олийжаноблик, йиқилганни суяш ёхуд адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби қадриятларни ўзида мужассам этган ярашув институтининг амалиётга жорий этилиши жамиятимиз ҳаётида ўта муҳим воқеа бўлди.

Амалдаги жиноят қонуни нормасига мувофиқ, ярашув институтини қўллаш учун қуйидаги шартлар бажарилган бўлиши лозим:

1) содир этилган жиноий қилмиш Жиноят кодексининг 66^1-моддасида назарда тутилган бўлиши;

2) жиноят содир этган шахс, яъни гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбига иқрор бўлиши;

3) жабрланувчига етказилган зарар бартараф қилинган бўлиши;

4) жабрланувчи билан гумон қилинувчи (айбланувчи) ярашган, яъни жабрланувчи айбдорни кечирган бўлиши.

Чунки ушбу институт замирида айбдорни муқаррар жазога тортиш эмас, балки унга қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олиши учун имкон бериш каби инсонпарварлик тамойили мужассам. Бу эса қонунларимиздаги одиллик ва инсонпарварлик принциплари устуворлигининг яққол намунасидир. Чунки «...қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларидан бири — ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди».

Энг асосийси, судланувчи ярашув орқали «судланган», деган тамғадан халос бўлади. Шунингдек, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриб чиқиш учун сарфланадиган муддатлар анча қисқаради.

Ярашув институтининг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади. Яъни, унинг манфаатлари устувор саналади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади. Учинчидан, айбдорни кечириш орқали жазоланмасдан тарбияланади.

Ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган жиноят таркиблари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жиноят кодексидаги бундай жиноят таркиблари 2001 йилда 26 та моддада акс этган бўлса, 2004 йилда — 30 та, 2005 йилда — 31 та, 2009 йилда — 40 та, 2012 йилда — 44 та, 2016 йилда эса 45 тага етказилди. Бугунга келиб амалдаги Жиноят кодексининг 66^1 моддасига мувофиқ 60 дан ортиқ жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти юзага келди. Жиноят-процессуал муносабатларда ярашув институтининг қўлланилиши натижасида жиноий жавобгарликдан озод бўлган шахслар ҳам кўпайиб бормоқда.

Хусусан, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Бугунга келиб ярашув институти қўлланилиши натижасида 220 мингдан ортиқ шахс мазкур инсонпарварлик принципларидан баҳраманд бўлганлиги жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар йил сайин ортиб бораётганидан далолат беради. Ярашув институти жамиятда судланган шахслар сонини камайтирибгина қолмай, бунинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларининг олдини олиш имконини бермоқда.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, чет давлатлар, хусусан Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Монголия, Россия, Туркманистон, Украина қонунчилигига кўра, ярашув институтини фақат жиноятни биринчи марта содир этган шахсларга қўллаш мумкин бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66^1 - моддасига мувофиқ уни муқаддам ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этгани учун судланган шахсларга уларнинг судланганлик ҳолати бекор қилинмай туриб ҳам қўллаш мумкин.

Таъкидлаганимиздек, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66^1-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

2021 йил 18 февралдан бошлаб Ўзбекистон миллий процессуал қонунчилигида **айбга иқрорлик тўғрисида келишув** институти амалиётга жорий этилди. Ушбу институт мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилиги тарихида мутлақо янги ҳисобланади. Жиноий ишларни қисқартирилган тартибда кўриш борасидаги жаҳон амалиётида мавжуд мазкур иш юритиш шаклининг миллий процессуал қонунчиликка жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги замонавий механизмлардан биридир.

Жиноят-процессуал қонунчиликка жорий этилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг бош мақсади — давлат айбловчисининг айбланувчини содир этган жинояти юзасидан иқрорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш, шу билан бирга, кўплаб сансалорликларга сабаб бўладиган узоқ давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришдир.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган шахс ва прокурор билан тузилади. Бунда гумонланувчи ёки айбланувчи жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши лозим.

Бундай келишувлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузилади.

Мазкур келишув айбланувчига бир қатор юридик имтиёзлар беради. Яъни:

– айблов доираси қисқартирилиши ёки ундан айрим эпизодларнинг чиқарилиши ва квалификациянинг енгилроқ томонга йўналтирилиши;

– жазо ҳажми, миқдори ва ўташ тартибининг қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроғи тайинланиши.

Айбга иқрорлик бўйича келишувнинг ярашув институтига хос жиҳатлари мавжуд. Яъни иккала ҳолатда ҳам миллий қонунчилигимизга асосан жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар бу жараёнда иштирок этади ва гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан етказилган зарарнинг бартараф этилгани ҳолатига ойдинлик киритилади.

Бироқ ярашув институтида келишув судланувчи ва жабрланувчи ўртасида амалга оширилса, айбга иқрорлик бўйича келишувда айбланувчи ва давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишув тушунилиши лозим.

Миллий қонунчилигимизга биноан жиноят иши суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг айбга иқрорлик бўйича келишуви судга келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Келишув тасдиқланган ҳолларда суд айблов ҳукми чиқариб, жазо тайинлайди.

Бироқ жиноят бўйича тайинланадиган жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида ёки қисмида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгараётган замон ва илм-фан тараққиёти, халқ хўжалиги ва жаҳон иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар, оламшумул кашфиётлар, одамлар турмуш тарзининг ўзгариши, янгича дунёқараш шаклланаётганлиги, тинчлик ва хавфсизликка янгича кўринишдаги ва турли таҳдид манбаларининг пайдо бўлаётганлиги суд-ҳуқуқ тизимида мунтазам равишда ислоҳотлар ўтказиб бориш, жиноятчиликка қарши курашишда янгича ёндашувлар ҳамда одил судловни, жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини, жиноят ишлари тергов қилинишининг тезкорлигини ва унумли бўлишини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг фаолиятини янгича ташкил этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бу янгиликлардан бири - жиноят процессида келишув билан мазмун жиҳатдан маънодош ҳисобланадиган **медиация** институтидир. “Mediation” атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси – “келишиш, тинчликка эришув” деган маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги “Медиация тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунинг 4-моддасида медиация тушунчасига қуйидагича таъриф берилган, “келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули” деб белгиланган. Шуни англаш мумкинки медиация кенг тушунча бўлиб турли соҳаларни оила, жиноят, иқтисодий, корпоратив ва бошқа қонунчиликлардаги низоларни ҳал этиш усулини тушунишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон-2030 стратегияси.

2. Ўзбекистон юридик энциклопедияси - Т.: Адолат, 2024.

3. http://www.jstor.org/discover/10.2307/41633831//American Academy of Political and Social Science//Reform in Criminal Procedure by Hon Everett and P. Wheeler, pp. 185-189, New York City.

4. Tony F. Marshall, Results of Research from British Experiments in Restorative Justice, in Criminal justice, restitution, and reconciliation 96-100 (Burt Galaway & Joe Hudson eds., 1990).